

IN THE WORK OF WILLIAM SHAKESPEARE'S "HAMLET" THE TRANSFER OF THE NAMES OF THE DISEASE IN DIFFERENT TRANSLATIONS

**J.I.Mizrabova,
f.f.f.d. (PhD), BSU
M.A.Baxronova,
teacher, BSU**

Abstract. In this article are learned the translations of disease names the tragedy "Hamlet" by the bright representative of world playwrighting William Shakespeare. Here, demonstrated the advantage of direct translation made by different translators .

Key words: tragedy, translation, translation process, poetic features, simile, direct and indirect translations, translational transformations, cholera, purgation, rank corruption

Кириш. Касаллик мавзуси - танадаги рухий бузилишнинг метафораси сифатида ёки ижтимоий касалликлар рамзи сифатида - бадиий адабиётда кенг тарқалган. Касалликнинг аллегорик мавжудлиги қадимги юнон драматурглари томонидан кузатилган ва ўрта аср ёзувчилари томонидан ишлатилган бўлса-да, бу мавзу романтиклар ва уларнинг издошлари томонидан янада кенгрок кўтарилди. Касаллик ёки касалликни адабиётга киритиш ғояси бадиий адабиёт яратилиши бошиданоқ биз билан бўлган. Масалан, жиннилик тушунчасини олайлик: ҳар доим Гомер, Сервантес ва Шекспир асарларидан олинган жинниликнинг ҳикояли сатрлари бўлган. Касалликнинг намоишлари сон-саноксиз китобхонларнинг тасаввурларини жалб қилди. Хўш, нега ўтмишдаги ушбу нақшларни такрорлайдиган замонавий асарларни ўрганиш муҳим? Касаллик одамни заиф, ишончсиз, муҳтож, ғазабланган, ғамгин ва тушкунликка солади.

Асосий қисм. Бу қаҳрамонларни онгида гапиришга, уларни ҳалол ва тўғри қилишга мажбур қилади. Ушбу кучли ҳис-туйғулар можарони янада кучайтиради, айниқса касаллик оғир бўлса. Ўзининг ҳалокатли касаллиги борлигини билган бош қаҳрамонга, ўн йилликлар давом этган оилавий низони ҳал қилиш, узоқ вақтдан бери йўқолган севгилиси билан қайта боғланиш ёки ҳаётдаги яхши нарсаларни бошдан кечириш учун жуда кўп вақт излайди ва бу ўқувчини ўйга ва фикрлашга ундайди. Рухий касалликлар ҳам шу мақсадга

хизмат қилиши мумкин. Ҳақиқий ҳаётда кўплаб психологик касалликлар бирор бир тарзда оддий инсоний хусусиятларнинг экстремал версиялари кучайтириб ўқувчига тақдим этади. Кўпгина ёзувчилар руҳий касалликлардан айнан шундай можаролар ва драмаларни кучайтириш учун психологик бўрттирма шакли сифатида фойдаланадилар.

Ҳамлетнинг бу киноясини (With drink, sir?) тушунмаган суҳбатдоши қуйидагича жавоб қайтаради:

Аслият матни	М.Лозинский таржимаси	Б.Пастернак таржимаси	Ж.Камол таржимаси	М.Шайхзода таржимаси
No, my lord, rather with cholер .	Нет, мой принц, скорее от желчи .	Нет, сэр, скорее от желчи .	Йўқ, тақсир, сафродан бўлса керак.	Йўқ, афандим, сафродан бўлса керак...

Яъни, (No, my lord, rather with cholер. сўзма-сўз таржимаси: Йўқ, тақсир, хойнаҳой **ғазабдан**.) Шекспирнинг кейинги каламбуридаги “cholер” сўзи - ҳам “сафро”, ҳам “ғазаб ёки жаҳл” каби маъноларини англатиши мумкин. Мазкур матнда Ҳамлетнинг интиқомидан беҳабарлиги туфайли Гильдестерн “cholер” сўзини унинг иккинчи яъни “ғазаб ёки жаҳл” маъносида қўллайди. Рус тили таржималарида “желчь” ва ўзбек ўғирмаларида “сафро” сўзларининг қўлланганлиги берилган контекстда ҳам лексик, ҳам адекватлик жиҳатидан айнан мос келган. Мазкур тилда “желчь” сўзи - “сафро” ёки кўчма маънода “жаҳл” деб ҳам тушунилади. Чунки “Қопқон” сахнаси орқали Ҳамлет қотил Клавдийнинг яхшигина адабини бериб қўйган эди ва бу ерда унинг жаҳли чиқиши табиий ҳолдир. Ўзбек ўғирмаларида ҳам худди шу ҳолатни кузатишимиз мумкин.

Ҳамлет кейинги гапини ҳам “cholер” сўзининг бошланғич маъноси фойдасига ишлатади. Яъни нутқининг давомида “purgation” сўзи орқали “cholер” сўзининг “сафро” (захар, ўт) каби биринчи маъносини янада кучайтиради.

Аслият матни	М.Лозинский таржимаси	Б.Пастернак таржимаси	Ж.Камол таржимаси	М.Шайхзода таржимаси
Your wisdom should show itself more richer to signify	Ваша мудрость выказала бы себя более богатой, если бы вы сообщили	Остроумней было бы сказать это его врачу. Если я пропишу ему	Тақсирим, бун қиролнинг табибига айтсангиз, жоиз бўларди. Борди-ю, мен	Бун қиролнинг ўз табибига айтсангиз маъкулроқ бўлар эди,

<p>this to his doctor; for, for me to put him to his purgation would perhaps plunge him into far more choler.</p>	<p>обэтом его врачу; потому что если за его очищение возьмусь я, то, пожалуй,погру жу его в еще пущую желчь.</p>	<p>своеслабительное, опасаясь, как бы желчь не разлилась у него еще сильнее.</p>	<p>сургиларимни ишга солсам, сафро бутун баданга ёйилиб кетади, деган хавотирим бор.</p>	<p>дейман. Тагин мен унга ўз сургилари мни тайинлаб берсам, яна бадтар бўлиб кетмасин, дейман.</p>
--	---	---	---	---

Юқоридаги мисолда Ҳамлет образининг хусусиятлари очила боради, у атайин ўзини гўлликка солади ва Гильдестернга Қиролнинг шикоятлари (бузуқ кайфияти) тўғрисида сарой табибига мурожаат этишини айтади. Чунки, Шекспир замонида театр санъати барқ уриб гуллаган бир даврида хазил-мутойиба туйғуси бўлмаган кишилар ҳам руҳий бемор сифатида табибга мурожаат этар эдилар. Демак, Клавдийни ҳам фақатгина шифокор даволай олади, Ҳамлет эса дўстларига қиролнинг аҳволини янада ёмонлашишига сабаб бўлишини тушунтиришга ҳаракат қилади. Қирол ҳозир қаттиқ ғзабда ва бу ерда Шекспирнинг “ичимлик” ва “ғзабнинг” ўзаро қарама - қарши қўйиши ҳажвнинг инсон руҳиятига ичимлик (суюклик) каби таъсир этиш хусусияти орқали юмор табиатини белгилайди.

Кейинги гапларида ҳам бош образ ақлининг ўткирлигини намоён этади: АМ ги “*mattering unction*” каби жонлантириш услубий воситани ТМ 3 “Сиз топган малҳам беҳудадир, улоқтиринг.”, ва ТМ 4 да “Худо хақи, қўйинг, шу малҳамингизни!”, деб оғзаки нутққа хос риторик гап сифатида угирганлар. Аммо, АМ да худди шу қатордаги “*Lay not that mattering unction to your soul*” “*mattering unction*” каби иборасини (*mattering* - хушомадгўй, лаганбардор, ялтоқ, тилёғлама каби маъноларга эга) М.Лозинскийдан ташқари (“льстивой мазью”) барча таржимонлар аслиятдаги жонлантириш шаклидаги услубий воситани оддийгина: “ваш бальзам” (Б.П.), “Сиз топган малҳам” (Ж.К.), “шу малҳамингизни” (М.Ш.) деб Шекспир иборасини нейтраллаштирганлар. Худди шу қатордаги “*soul*” (кўнгил, дил) сўзи эса “механик истиснога” учраган. Натижада образ кескинлиги пасайган ва хиралашган. Китобхон матн мазмунини унинг тагматнидан тушуниб олишга мажбурдир.

Юқоридаги жадвалда АМ да қатнашган “*mattering unction*” образига оид ишлатилган синонимик такрорлар асарнинг эмоционал буёғини янада бойитган ва мазкур образли воситалар ТМ 3 да: “*but skin and film*” - “чандик

этар ярани” деб антонимик таржима усулида; rank corruption – “йиринг”-калька усулида, mining all within – “адо қилур” ва Infects unseen- “ичдан емириб” деб контекстуал антоними билан алмаштирилган. ТМ 4 да эса:but skin and film – “ёпар” деб нейтрал бўёкли “ёпмоқ” сўзи билан алмаштирилган, rank corruption – “яра” метонимик таржима, mining all within – “чиритар танни” синонимик-метонимик таржима, Infects unseen- “ичидан” деб унинг контекстуал антоними билан алмаштирилган.

Хулоса. Демак Шеспирнинг “Ҳамлет” асаридаги кўплаб психологик касалликлар бирор бир тарзда оддий инсоний хусусиятларнинг экстремал версиялари кучайтириб ўқувчига тақдим этилган. Ёзувчи руҳий касалликлардан айнан шундай можароларни кучайтириш учун психологик бўрттирма шакли сифатида фойдаланилган.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Bly Robert. The Eight Stages of Translation / Robert Bly. - St. Paul: Ally Press, 1991. - 107 p.
2. Tytler A.F. Essay on the Principles of Translation, London, 1791. / Ed. by W.P. Ker. Oxford, Vol.1-2.
3. Khabibullaeva, R. M. (2020). Analysis of pastiche in the novel “The lightning thief” by Rick Riordan. ISJ Theoretical & Applied Science, 05 (85), 958-961.
4. GAFUROVNA, Ruzimurodova Zarifa. Translation Theory: Object of Research and Methods of Analysis. International Journal of Progressive Sciences and Technologies, [S.l.], v. 24, n. 2, p. 35-40, jan. 2021. ISSN 2509-0119. Available at: <<http://www.ijpsat.es/index.php/ijpsat/article/view/2626>>. Date accessed: 17 mar. 2021. doi:<http://dx.doi.org/10.52155/ijpsat.v24.2.2626>.
5. Файзуллоев О. М. ОБ ОСОБЕННОСТЯХ ИНТЕРПРЕТАЦИИ УЗБЕКСКИХ СКАЗОК //Theoretical & Applied Science. – 2018. – №. 12. – С. 212-215.
6. Fayzullayev M.B, Fayzulloyev O.M, & Saidova M.M. (2021). Images of animals in the Legends of Haji Nasretdin. Middle European Scientific Bulletin, 10(1). <https://doi.org/10.47494/mesb.2021.10.328>